



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10680617>

**Курбанов Содик Солиевич**

*Тошкент ислом институти Таҳфизул қуръон кафедраси ўқитувчиси*

#### **АННОТАЦИЯ:**

Ўз ижоди ва фаолиятини асосан Мовароуннахр шаҳарлари, хусусан, Самарқандда, соҳибқирон Амир Темур саройида амалга оширган Саъдуддин Тафтазоний Хуросоннинг Насо (ҳозирги Туркменистон, Ашхабод) шаҳридаги Тафтазон қишлоғида туғилган. У наҳв, сарф, маоний, баён, усул ал-фикҳ ҳамда фуруъ ал-фикҳ (ханафий ва шофий), мантиқ, ақида, тафсир, геометрия, астрономия ва бошқа шу каби илм соҳалари бўйича йирик олим бўлиб, бугунги кунгача қирқдан ортиқ асарлари мавжудлиги аниқланган. Ушбу мақолада мазкур қомусий олимнинг “Кашшоф” га ёзган хошияси ва услуби ҳақида сўз юритилади.

#### **Калит сўзлар**

Тафтазоний, Кашшоф, хошия, шарҳ, калом илми

Шарҳ файласуф олимлар ҳаёти борасидаги табақот ва тарожим китобларининг қайси бири Саъдуддин Тафтазоний борасида сўзлаган бўлса, барчаси унинг Маҳмуд Замахшарийнинг “Кашшоф” асарига ёзган хошияси борасида тўхталиб ўтган ва у асар ҳақида юқори баҳо берган. Зеро хошия олимнинг узоқ илмий изланишлари натижаси бўлиб, у умрининг охириларида тафсир, балоғат, наҳв, мантиқ ва фикҳга боғлиқ қарашлари мукаммаллашган бир даврда таълиф қилган эди. Хошия Байзовий, Сибавайх, Ибн Ҳожиб, Ахфаш, Кисоий, Асмаъий, Жавҳарий ва бошқа катта олимларнинг тафсир, луғат, балоғат, сарф, ва наҳв борасидаги қарашларини камраб олиши ва Тафтазонийнинг “Кашшоф” муаллифи ва унинг фикрларини таҳқиқ қилиши, текшириши, шарҳлаши, эътироз билдириши, қўллаб қувватлаши ва баъзи ўринларда эътизолий масалаларда, ҳамда кироатларга таъна келтирган ўринларида унинг койиганлиги унинг нечоғлик илмий салоҳияти қудратли эканини билдиради. Унинг бу салоҳияти “Кашшоф” каби қомусий китобни шарҳлаш, изоҳлаш, эътироз билдириш ва танқил қилишга ундади.

Маҳмуд аз-Замахшарийнинг<sup>1</sup> “Кашшоф” асарига ёзилган шарҳлар ичидаги энг машхури Саъдуддин Тафтазонийнинг “**Ҳошия ала ал-Кашшоф**” асари ҳисобланади. Аллома уни 789 робитул аввал/1388 йил Самарқандда ёзишни бошлаб, охирига етмасдан вафот этган. Саъдуддин Тафтазоний “Ҳошия ала ал-Кашшоф”ни ёзишдаги асосий мақсадларидан бири олдин муътазила<sup>2</sup> ва карромия<sup>3</sup> каби фиркалар билан “Аҳл ас-сунна вал-жамоа” орасидаги ихтилофли масалаларни Қуръон ва суннат асосида далиллар келтириб бартараф қилиш бўлган. Саъдуддин Тафтазоний шарҳлашдан кўзлаган мақсадларидан яна бири давр тақозоси билан “Кашшоф” асаридаги чигал сўз ва иборали гапларни тушунарли, қисқа равишда шарҳлаш ва матнни Қуръони карим, суннат ҳамда ақлий далиллар билан қувватлаш бўлган.

Унинг тафсирга оид мазкур асарининг битта қўлёзма нусхаси 1:№ 10596 рақами остида ЎзР ФА ШИДа сақланмоқда. Бу қўлёзма 437 варақ (437 б – 1 б.)дан иборат; 14x24,5 см; 21 йўл; лавҳали; арабча; насх хатида. Китобнинг бошқа қўлёзма нусхалари Германия, Туркия, Саудия Арабистон, Буюк Британия ва бир қатор давлатлар кутубхоналарида бебаҳо асар сифатида сақланади.

Унинг бу китобни шарҳлашда кўп қўллаган услуби куйидагича: Биринчи навбатда “Кашшоф” соҳибини сўзи ва тафсирини келтириб, унинг ортидан والاحسن (чиройлироқ бўларди), والوجه (тўғрироқ бўларди), والاولى (яхшироқ бўларди), وفيه بحث (уни тадқиқ қилиб кўриш лозим), وفيه نظر (уни ўйлаб кўриш керак), فليتامل (буни бир ўйлаб кўр) ва шу каби ибораларни келтиради,

<sup>1</sup> 467 йил Ражаб ойининг 27/1075 йил 18 март куни Хоразмнинг Замахшар қишлоғида таваллуд топган.

<sup>2</sup> Муътазила арабча – ажралиб чиққанлар, узоқлашганлар деган маънони билдиради. VIII аср биринчи ярми, Уммавийлар ҳукмронлиги даврида вужудга келган ислом динидаги ақидавий оқимларидан бири. Асосчилари Восил ибн Ато (80-130/699-748) ва Амр ибн Убайд (ваф. 145/762 й.) ҳисобланади. Улар гуноҳи кабира қилган мўмин киши ҳукми масаласида устозлари Ҳасан ал-Басрий (ваф. 109/728 й.) билан ихтилофга борган ва мактабидан ажралиб чиққан.

<sup>3</sup> Карромийлар IX-XIII асрларда Бағдод халифалигининг марказий ва шарқий вилоятларида тарқалган ақидавий оқим. Асосчиси Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Карром (190-255/806-869). Сейистонда туғилган, Нишопур, Балх, Марв, Ҳирот каби шаҳарларда таълим олган. Сейистон ва Хуросонда ўз таълимотини тарғиб қилгани учун зиндонга ташланган. Қуддусда вафот этган. Карромийнинг фикрича худо – бутун борлиқнинг бирламчи асоси, у муайян жисмга эга. Худо – барча нарсаларнинг яратувчиси, аммо инсон ўз фаолиятининг натижаларига таъсир кўрсата олади. Муътазилийлар каби Карромийлар ҳам инсон онги мустақил равишда, яъни ваҳий ёрдамисиз, яхшилик ва ёмонликни фарқ қилишга қодир, деб ўқирдилар. Шунингдек, муржиъийлар сингари Карромий бирор инсонни муслмон деб тан олиш учун у “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимасини тил билан эътироф этса кифоя, дил билан тасдиқлаш ва амалларни бажариш шарт эмас, деб ҳисоблайди. Ибн Карромнинг “Китоб ас-сирр” ва “Азоб ал-қабр” номли (бизгача етиб келмаган) асарлари ва “худо жисмга эга” деган тушунчаси ислом уламоларининг кескин танқиди ва таъқибига учраган. Мўғуллар истилосидан сўнг Карромийлик барҳам топди.



кейин эса ўзи уни لكن истидрок (тўлдирувчи, тузатувчи) калимаси ва бошқа шу каби жумла ва калималар ёрдамида тўғирлаб, тўдириб кетади.

Қисқа қилиб унинг “Кашшоф”га ёзган хошиясида икки муҳим асосни идрок этиш мумкин:

Биринчиси: Ҳошияда калом илмига оид тадқиқотлар кўп бўлиб, унинг келиб чиқиш сабаби бу мавзу “Кашшоф”да кўп келтирилганидир. Бунга қуйидаги мисолни келтириш мумкин: “Маҳмуд Замахшарий Аллоҳ таолонинг: “Ризқ қилиб берган нарсамиздан инфоқ қиладилар”, деган сўзи борасида қуйидагиларни айтади: “Ризқни Ўзига иснод қилиши сабаби шуки, улар Аллоҳ таолога изофи қилишга ва У томонидан ризқ, деб номланишга яроқли бўлган ҳалол нарсалардан инфоқ қилажакларини билдириб қўйиш учундир<sup>4</sup>. Саъдуддин хошиясида шундай дейди: “Ризқ қилиб берган нарсамиздан..., деган Аллоҳ таолонинг сўзидан ҳалол ризқ ирода қилинганида ҳеч қандай шубҳа йўқ, лекин Мўътазилийларнинг қарашича, ҳаром нарса ризқ эмас, натижада уни Аллоҳ таолога нисбат бериш уни ҳалол эканини билдириш жиҳатидандир. Зеро, қабих нарсаларни Унга нисбат бериб бўлмайди. Бизнинг қарашимизга кўра (аҳли сунна вал жамоа) мақтов ва такводорлик билан сифатланиш фақатгина ҳалол нарсаларни эҳсон қилиш билангина бўлиш эътиборидандир, хоссатан, уни исноди Аллоҳ учун экан очик айтилганринларда. Чунки у мукамал нарсага боғланади. Натижада, иснодни Унга боғлаш самараси уларнинг ҳалолдан инфоқ қилишлари маниҳаларнинг каттасидан эканини билдириб қўйиш учундир<sup>5</sup>.

Иккинчиси: Тафтазоний Замахшарий билан калом илми борасидаги муноқашарида оғир иборалар, ўткир оҳанг ва кучли танқид усулларини қўллаган. Бунга сабаб у аҳли сунна вал жамоа қарашларини қўллаб-қувватлаган ва натижада Замахшарий томонидан уларга нисбатан айтилган кескин қарашларга у ҳам кескинлик билан жавоб қилган. Мисол учун: *حالة المعتزلة* (мўътазилаларнинг сарқити), *هذا بين جلي على صبيان الكتاب* (бу нарса китобнинг болаларига ҳам равшан, аниқ-ку), *من له مسكة من الانصاف* (бир томчи инсофи бор киши) *الصوب لكن الاعمى لا يهتدي الى طيق* (лекин кўр одам тўғри йўлни топа олмайди-да) ва шу каби иборалани келтириш мумкин. Бу қаттиқ иборалар Саъдуддиннинг Маҳмуд Замахшарийга нисбатан адовати йукори эканини билдирмайди. Тафтазоний унинг луғат ва балоғат илми борасида буюк олим эканини эътироф этади, фақатгина Замахшарий томонидан аҳли суннага берилган “салом”га яраша жавоб қайтарганлигини кузатиш мумкин.

<sup>4</sup> Маҳмуд аз-Замахшарий. Ал-Кашшоф. I-VI жилдлар. – Риёз: Мактабатул абикан, 1998. – Ж I, 31-32 б.

<sup>5</sup> Тафтазонийнинг “Кашшоф”га ёзган хошияси



Саъдуддин Тафтазоний “Ҳошия ала ал-Кашшоф” асарига ёзган муқаддимасида дастлаб Басмаладан сўнг Қуръони каримнинг “Каҳф” сураси биринчи ояти мазмунидаги ҳамду-сано билан бошлаган:

الحمد لله الذي انزل القرآن على عبده ولم يجعل له عوجا وبين فيه لاولي الالباب بينات وحججا نزله بالحق مصدقا لما بين يده من الكتاب وانطقه بالصدق محققا لما يعول عليه في كل باب يقضي له بقدم الحق انه من صفاته ولا يفضي الى سبق العدم حدوث سماته فيا له من قديم بما له من كماله حكيم في كل ما دبر و قدر من افعاله ابت حكمته ان رضى لعباده الفحشا وعلت قدرته ان يجري في ملكه الا ما يشا

Таржимаси: Қуръонни Ўз бандасига нозил қилган, уни қийшиқ қилмаган ва унда ақл эгалари учун далиллар ва ҳужжатларни баён қилиб берган Аллоҳга ҳамд бўлсин! Қуръони каримни ўзидан олдинги китобларни тасдиқлайдиган ҳолда ҳақ билан нозил қилди, ҳар бир бобда унга таъвил қилинган нарсани рўёбга чиқартирган ҳолда гапиртирди, унга Ҳақнинг қадимлиги (аввалини йўқлиги) Уни сифатларидан эканини ва йўқлик олдига Унинг сифатлари пайдо бўлиши мумкин эмаслигини буюрди. Ўз мукамаллиги билан қадим бўлган ва Ўз тадбири ва ишларидаги тақдирида ҳақим бўлган Зот мунча ҳам ажойиб бўлмаса! Унинг ҳикмати бандаларига бузуқлик қилишларига рози бўлишдан бош тортди, Ўз мулкида фақатгина У хоҳлаган ишлар жорий бўлиши борасида қудрати олий бўлди.

Китоб охири турли қўлёзмаларда турлича келган.

Хулоса ўрнида бу китоб ва унинг ичидаги қиммат баҳо маълумотлар кашф этилмаган хазина каби ўз тадқиқотчисини кутиб турибди. Араб диёрларида, хусусан Мисрда бир неча бор магистрлик ва докторлик ишлари қилингани маълум, Туркияда ҳам бу борада яхши ишлар қилинди ва у ердаги қўлёзмасидан янги китоб қилиб чоп этилди, лекин ўзбек тилида эса чуқур ўрганилмай, ҳозирги даврга қадар бу илмий асар тенгсиз ва бебаҳо эканига қарамай қўлёзма шаклидалигича қолаётгани эътиборни тортади.